



MA'RIFAT OLAMI

Ma'rifat va ta'lim

Ijtimoiy, madaniy-ma'rifiy, ta'limga ixtisoslashgan gazeta

E-mail: marifatvatalim.gazetasi@bk.uz

2021-yil 17-sentabr, juma 17-son (17)

ЯНГИ СТРАТЕГИЯ - КЕЛАЖАК ХАРИТАСИ



Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ,
Самарқанд давлат чет тиллар
институтининг ректори, профессор



Бугунги глобаллашув вақтида ривожланган ва ривожланиш босқичида бўлган барча давлатлар дунё микёсида ўзининг иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳолатини янада яхшилаш ва жаҳон бозорига туган ролини янада мустақамлашни ўз олдига мақсад қилиб олган. Шунингдек, йилдан йилга юқсалиб бораётган мамлакатлар қаторида юртимизда ҳам илм-фан, таълим, иқтисодиёт, sanoat, спорт, санъат, маданият ва шу сингари барча соҳаларда ҳам ўсишга эришиш ва бунинг натижасида мамлакатимизнинг илмий салоҳиятини ошириш ва аҳоли турмуш даражасини бундан-да яхшилаш мақсадида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз томонидан қабул қилинаётган қарорлар, амалиётга татбиқ этилиши қутилаётган режа ва дастурлар, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича бешта муҳим ташаббус юртимизни босқичма-босқич бозор иқтисодиётига олиб чиқиш ва ундаги ролини мустақамлашда Президентимиз томонидан тақдим этилаётган китоблар ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ана шундай асарларидан бири "Янги Ўзбекистон стратегияси" номи янги китобидир. Мазкур китоб етти бобдан иборат бўлиб, ўн минг нусхада нашр қилинди. Унда айтилган пайтда дунё микёсида кескин тус олиб бораётган рақобат ҳамда бундай шиддатли рақобатга фақат замонавий илм-фан, юқори технологиялар ва инновация ютуқларни кенг жо-

рий этиш орқалигина муносиб жавоб бера олишимиз таъкидланган. Ваҳоланки, инсоният онгли ҳаёт кечира бошлаган даврдан буён таълим ва тарбия масаласи доимо долзарб аҳамият касб этиб келмоқда. Президентимизнинг "Янги Ўзбекистон стратегияси" китобида таълим ва тарбия мавзуларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Юртимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, Янги Ўзбекистонни яратиш мақсадида барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам туб ислохотлар олиб борилмоқда. Бу борада ўнлаб муҳим Фармон, қарор, концепциялар ва дастурлар қабул қилинди.

"Таълим тўғрисида"ги қонун ушбу соҳа тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, янги уфқларни очиб бериши, кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш бизга асосий мақсад қилиб белгилаб берилди.

Юртимиз ёшларининг тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жа-

миятимиз ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Мазкур йўналишни тизимли ривожлантириш бўйича давлат дастурларининг қабул қилиниши, болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 2 баробарга оширилиб, 100 фоизга ошириш, шунингдек, хусусий мактаблар тизимини янада такомиллаштириш, битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2030 йилгача 60-70 фоизгача етказиш олдимизда турган муҳим вазифалардан бири эканлиги китобда алоҳида таъкидлаб ўтилган.

"Биз мактаб муаммосига биринчи даражали масала деб қарашни давом эттириш, мактаб фақат таълим берадиган маскан эмас, балки барчамиз учун юқсак маънавий бешигига, фарзандларимизни болаликдан бошлаб касбга ўргатувчи даргоҳга айланиши зарур", дея бежиз таъкидламаган Муҳтарам Президентимиз.

2-бет

Бугун маърифатга эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.
Шавкат МИРЗИЁЕВ



Фуқаро мурожаати назоратда

Бухоро вилояти Фиждвон туманидаги Шоҳамбек қишлоғи аҳолисини тоза ичимлик суви масаласи анча вақтдан буён қийнаб келарди. Туман "Сувоқава" ишлаб чиқариш ташкилоти томонидан Давлат дастури асосида ушбу ҳудудда қурилатган сув иншооти ҳамда қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишларининг олиб борилиши Халқ қабулхонаси мутахассислари томонидан ўрганилди.

Мутасадди ташкилот раҳбарлари ҳамда қурилиш ишлари бошқарувчисининг ҳулосасига кўра, ушбу "Сув иншооти" қурилиши жорий йилнинг сентябрь ойида якунланиб, фойдаланишга топширилади. Олиб борилаётган ишлар кўлами ҳам шундан далolat бериб турибди.

Шунингдек, маҳаллада яшовчи хотин-қизлар муаммолари ҳам ўрганилди. Жумладан, Шоҳиста Абдуллаева бир нафар фарзанди билан бир неча йиллардан буён онасининг уйда яшаётганлиги, уй-жойга муҳтожлиги аниқланди ҳамда фуқарога тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

26-умумий ўрта таълим мактабида жойлашган 556-сайлов участкасининг ҳолати ўрганилиб, камчиликларни тугатиш бўйича тегишли тавсиялар берилди. Жумладан, сайлов участкасидаги овоз бериш кабиналарини янгилаш бўйича тегишли тартибда мурожаат қилиш тушунтирилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Маҳаллабай" ишлаш тизимини амалиётга жорий этиш тўғрисидаги ташаббуси ҳудудлардаги ечимини қутаётган масалаларнинг иложи борица тезроқ бартараф бўлишига мустақам замин яратмоқда.

Энг муҳими ҳеч кимнинг мурожаати эътиборсиз қолдирилмаяпти, Президентимиз айтганларидан "Ҳар бир давлат хизматчиси ҳар кун ўзини меҳнати билан эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини исботлаши шарт". Бизнинг ҳам бош мақсадида аҳоли ризолигига эришиш.

Ҳ.БОЛТАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Фиждвон туманидаги
Халқ қабулхонаси мутахассиси



Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлис кун тартибидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш, Ўзбекистон Президенти сайловида халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчиларни аккредитация қилиш ҳамда Оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш масалалари жой олди.

Номзодлар рўйхатга олинди

Қайд этилганидек, мазкур сиёсий партиялар томонидан тегишли ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни кўлаб-қувватловчи имзо варақалари тақдим этилган эди. Сайлов кодексининг 39-моддасига биноан, сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлиги Марказий сайлов комиссияси қарори билан тузил-

ган Экспертлар гуруҳи томонидан текширилди.

Қайд этиш жоиз, Эксперт гуруҳи аъзолари ҳар бир имзо варақасини визуал ўрганиш жараёнида, уларнинг тўғри тўлдирилганлигига, тузатишлар киритилганлигига, ўчириб ёзилган тузатишлар борлигига, турли шахслар томонидан тўлдирилганлигига, ўқшаш имзолар борлигига, тасдиқланган тузатишлар борлигига ва бошқаларга ўз

эътиборини қаратишди.

Сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини текширувчи эксперт гуруҳининг ҳулосасига асосан тақдим этилган имзо варақалари номзодларни рўйхатга олиш учун етарли миқдорда тўпланган ва қонун талабларига мос келади.

2-бет

Луқма

"Фирдавсни ўқиш тезлиги бироз паст, кейин ёзуви хунук. Илтимос таътилда шу нуқсонларини бартараф қилишига ёрдам беринг. Ўзи жуда одобли, мустақил фикри бор", деди набирамнинг устози.

Миллат маънавиятини енсимаетганлар



Ҳ.БОЛТАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Фиждвон туманидаги
Халқ қабулхонаси мутахассиси

ЯНГИ СТРАТЕГИЯ – КЕЛАЖАК ХАРИТАСИ

(Давоми. Бошланиши
1-бетда.)

Бугунги кунда юртимизда олий таълим тизимини янги сифат босқичига олиб чиқиш, олий ўқув юртлири тизимини янада ривожлантириш, соҳадаги мавжуд муаммоларни бар-тараф этиш, пировардида илм-фаннинг йирик ўчоқларига айланттирилишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, аҳолининг олий таълим билан қамраб олиниш даражаси ошириб борилмоқда.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Самарқанд давлат чет тиллар институтида ҳам амалга оширилган ислохотларга тўхталиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади. Чет тиллар бўйича ма-лакали мутахассислар тайёрлашда Самарқанд давлат чет тиллар институтининг ҳам ўзига яраша ўрни бор.

Бугунги кунда олий таълим муассасамиз ўн иккита тил бўйича бакалавр ҳамда магистр мутахассисларини тайёрламоқда. Хорижий мамлакатлар билан алоқаларимиз мустақамлангани сайин институтимизга ўқишга кириш учун ҳужжат топширувчилар ҳамда талабалар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу эса ўз-ўзидан янгидан янги ўқув жойлари, талабалар турар жойлари ва кутубхоналарни қуришни, жумладан, янги таълим йўналишлари, факультетлар ҳамда филиалларни очишни тақозо этмоқда.

Президентимиз ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида Самарқанд вилоятига таширифи чоғида вилоят миқёсида олий таълим тизимида катта ўзгаришлар бўлишини маълум қилди ҳамда масъулларга қатор вазифа ва кўрсатмалар берди. Ушбу топшириқларга биноан 2021/2022 ўқув йилидан Самарқанд вилоятининг Нарпай ҳамда Пайариқ туманларида “Мактабгача

ва бошланғич таълимда хорижий тил (инглиз тили)” ҳамда “Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили” факультетларини очдик.

Соҳага тегишли вазирлик масъуллари билан бирга мазкур икки туманда очилган факультетларнинг ҳар бирига 75 нафардан абитуриентни талабалikka қабул қилдик. Бундан кўзланган асосий мақсад чекка ҳудудлардаги ёшларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда уларнинг олий таълим муассасаларига қамровини ошириш бўлди.

Шунингдек, 1000 ўринга мўлжалланган 4 қаватли ўқув биноси муқаммал қайта таъмирдан чиқарилмоқда, талабаларни етарли даражада турар жой билан таъминлаш мақсадида давлат-хусусий шерикчилик асосида яна битта 600 ўринга мўлжалланган талабалар турар жойи биносини қуриш ҳамда институтнинг 2-сонли талабалар турар жойига икки қаватли ётоқ қроватлар ўрнатиш орқали кўшимча 300 та ўрин яратиш каби ишлар бошлаб юборилди.

Мамлакатимизда янги олий таълим муассасалари, жумладан, хорижий олийгоҳларнинг филиаллари ташкил этилиб, уларнинг сони 200 тага етказилиши, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий маълумот олиш имкониятини янада кенгайтириш, босқичма-босқич ма-софавий таълим шаклида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш каби бир қатор истиқболли режалар ҳам мазкур китобдан ўрин олган.

Бугунги кун учун зарур бўлган янги авлодни, илм-фан ва ўз ихтисослиги асосларини пухта эгаллаган, билимли ёшларни тарбиялаш таълим соҳасининг яна бир энг устувор вазифасидан эканлиги аниқ ҳақиқатдир.

Шу билан бирга, аниқ фукаролик позициясига эга бўлган, жамият, давлат манфаатларини ҳимоя қиладиган, халқ ҳаётида-



ги ўзгаришлар ва ислохотларда фаол қатнашадиган, замонавий ва кенг тафаккурли ёш авлодни шакллантириш вазифаси ҳам ниҳоятда муҳим, албатта.

Бугунги кунда жамиятимизда ўқитувчи ва мураббийларимизнинг шайни ва гурури тиклана-ётгани барчамизни қувонтиради. Аини вақтда бу ўта муҳим масала энг долзарб вазифамиз эканлиги, уни амалга ошириш бутун жамиятимизнинг бурчига айланиши лозимлигини таъкид-лаб ўтадилар Мухтарам Юртбо-шимиз “Янги Ўзбекистон стра-тегияси” китобиди.

Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таълим ва илм-фан соҳаси-даги энг сўнгги янгиликларни

ўқув жараёнларига татбиқ эта оладиган, чуқур дунёқараш эга-си, бир сўз билан айтганда, за-монамиз ва жамиятимизнинг энг илғор ва тажрибали вакил-лари бўлмоғи лозим.

Шу маънода, ўқитувчи ва му-раббийларга бўлган ҳурмат-эътиборни ошириш, муаллим ва устозларнинг қадри, шайни ва гурурини тиклаш, уларни ҳам маънавий, ҳам моддий қўллаб-қувватлаш каби самарали иш-лар мунтазам давом эттирил-моқда.

Узлуксиз таълим тизимини ҳуқуқий тартибга солишга қара-тилган яхлит Таълим кодекси-нинг ишлаб чиқиши, жумла-дан, олий таълим муассасала-рида тахсил олаётган бакалав-рлар учун “Маънавиятшунослик”,

магистратура мутахассисликла-ри учун эса “Касб маънавияти” фанларининг жорий этилиши ҳам ёшларимизнинг дунёвий фикрлаш, теран тафаккур соҳиб-лари ҳамда Янги Ўзбекистоннинг келажақ бунёдкорлари бўлиб етишишида дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мазкур китоб китобхон-да Янги Ўзбекистоннинг замонавий демократик қиёфаси қан-дай яратилаётгани, мамлакат-ни янги ривожланиш босқичига кўтариш учун белгилаб олинган стратегик йўл тўғрисида яхлит тасаввур ҳосил қилиш имкони-ни беради. Шу билан бирга, ҳар бир фуқарони янги, илғор гоёлар, эзгу ташаббуслар билан ишлашга ундайди.

Китобсиз
тараққиётга,
юксак
маънавиятга
эришиб
бўлмайди.
Китоб ўқимаган
одамнинг ҳам,
миллатнинг ҳам
келажаги йўқ.
Шавкат
МИРЗИЁЕВ

Номзодлар рўйхатга олинди

(Давоми. Бошланиши
1-бетда.)

Шундан келиб чиққан ҳолда, мажлис давомида мазкур партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари қонун талабларига мослиги инobatга олинди, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Варисова Мақсуда Азизовна, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович ва Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Мирзиёев Шавкат Миромонович Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар этиб рўйхатга олинди.

Сайлов кодексининг 40-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси Номзодлар рўйхатга олинганидан кейин беш кунлик мuddатда тегишли сайлов комиссияси рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни номзоднинг фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини, партияга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини (машғулотининг турини), иш ва яшаш жойини, шунингдек уни номзод этиб кўрсатган сиёсий

партияни кўрсатган ҳолда эълон қилади.

Шунингдек, мажлисда-Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчиларни аккредитация қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, Сайлов кодексининг 33-моддаси ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 19 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси сайловларида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги қарорга мувофиқ, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда хорижий (халқаро) кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга. Сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинганидан сўнг МСК хорижий давлатлар сайлов органлари ва халқаро ташкилотларга Ташқи ишлар вазирлиги орқали таклифнома юборди. Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар ҳам сайловларда хорижий (халқаро) кузатувчи сифатида иштирок этиш истагини изҳор этиб, Ташқи ишлар вазирлигига сайловга камида ўн кун қолганига қадар мурожаат этиши мумкин. Ташқи ишлар вазирлиги тегишли хо-



рижий давлатлар, халқаро ташкилотлар кузатувчиларининг ҳужжатларини ило-ва қилган ҳолда МСКга тақ-димнома киритади. МСК беш кунлик мuddатда халқаро кузатувчиларнинг ҳуж-жатларини ўрганиб чиқиб, аккредитация қилиш тўғри-сида қарор қабул қилади ва уларга мандат беради. Мандат халқаро кузатувчи-лар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш дав-

рида ўз фаолиятини амал-га ошириши учун асос ҳисобланади.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқаро ташки-лотлардан қатнашадиган ку-затувчиларни аккредитация қилиш тўғрисидаги МСК қарорига мувофиқ Япония, Грузия, Россия Федерация-си, Татаристон ва Беларусь Республикаларидан 6 на-фар хорижий кузатувчи

рўйхатдан ўтказилди.

Комиссия аъзолари то-монидан оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш масаласи ҳам кўриб чи-қилди ва Марказий сайлов комиссиясига келиб туш-ган яна 5 та маҳаллий ом-мавий ахборот воситаси-нинг жами 23 нафар ва-кили аккредитациядан ўтказилди. Эндиликда ак-кредитациядан ўтказилган

маҳаллий ва хорижий ом-мавий ахборот воситала-ри вакиллари жами 930 нафарни ташкил этмоқда.

Мажлис сўнггида кун тартибига киритилган ма-салалар юзасидан Марка-зий сайлов комиссияси-нинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Марказий сайлов
комиссияси
Матбуот хизмати





Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида юртимиздаги нашриётлар шу мавзуга бағшланган туркум китобларни муштарийларимизга тақдим этди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси нашриёти чоп этган профессор Карим Норматовнинг “Янги Ўзбекистон меъмори” сарлавҳали китоби шулар жумласидандир.

Янги китоб

Тараққиёт талқини

Мазкур асар Президент Шавкат Мирзиёевнинг таълимоти ҳақида айрим қайдлардан иборат. У ўтган йили чоп этилган “Сиёсий эссе”нинг биринчи китобини давомий бўлиб, босиб ўтилган бир йилда рўй берган воқеалар фониде қаламга олинган. Шуни айтиш керакки, насрий ифода этилган, унча катта бўлмаган ва эркин қурилмали адабий жанр эссе, деб аталади. Эсседа муаллифнинг ихчам фикр-мулоҳазалари, ўй-андишалари бадиий маҳорат билан акс эттирилади.

Китоб уч бобдан иборат, I-боб “Глобаллашув ва таълимот тушунчаси”, деб аталади. Унда дастлаб тараққиёт (цивилизация) тушунчасига таъриф берилиб, бу сўзнинг тўрт хил қирраси қайд этилади. Айрим ҳолда маданиятнинг, баъзан моддий маданиятнинг маънодоши сифатида ишлатилган. Немис файласуфи О.Шпенглер маданиятни техникавий-механик мажмуа, деб ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, цивилизация ҳар қандай маданият тараққиётининг тугал босқичини билдиради. Дарҳақиқат, ижтимоий фаол фуқаролар мустақил фикр юритувчи, ўз ижтимоий хатти-ҳаракатлари учун масъулиятни ҳис этувчи, демократик қадриятларни тан олган ва амалга оширувчи кишилардир.

Муаллиф Марказий осийлик ўрта аср мутафаккирлари нуқтаи назаридан инсоннинг энг олий бахти — билимда, дейди. Инсон фаолияти асосидаги билимга ишонч, сиёсий етакчи Шавкат Мирзиёев таъбирига кўра, амалиётда халқни рози қилиш билан мамлакат ривожини тартибга солиди. Ўз асарлари, амалий фаолиятлари орқали илмий-ижод намуналарини намойиш қилаётган Президент миллий маданиятни бойитишга катта ҳисса қўшмоқда.

Албатта, маънавий-маърифий тарбиянинг узвийлигини таъминлашда оила, маҳалла, таълим муассасалари ўрни беқис. Шу боис, мамлакатимизда диний-маърифий соҳани ривожлантириш, тарихий обидаларни асраб-авайлашга ҳамда зиёрат туризмни раванқ топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк миллий тарихимизга улуғ аждоқларимизнинг қўшган илмий-ижодий меҳнатлари туфайли Шарқнинг биринчи Ренессанси IX–XII асрлар ҳамда иккинчи Темурийлар Ренессанси XIV–XVI асрларда амалга оширилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент Ислом цивилизацияси марказига бир неча бор ташриф буюриб, унинг қурилиши, ишлатилган безаклари, ташқи ва ички мазмунини бойитиш тўғрисида ўз фикр-таклифларини берди. Хусусан, “Хамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг юртимиздагидек бой ўтмиш, болларимиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказа билишимиз керак. Бу марказга келган одам улкан меросимиз ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиши, катта маънавият олиб кетиши зарур”, деган эди Юртбошимиз.

Дастлабки бобда жаҳон цивилизациясининг асосий мақсади ва йўналиши бугунги таҳликали дунёда инсониятнинг эсон-омон яшаб қолиши, келажакда бахтиёр бўлишидан иборатлиги таъкидланади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар бутун дунё ҳамжамияти

фаолияти билан ҳамоҳанг кечмоқда. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги мавқеи Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуслари орқали мустаҳкам бўлиб бораётгани қайд этилади.

Президент таълимоти шунчаки ақида бўлмай, балки мамлакат тараққиёти барча жабҳасининг туб бурилиш — янги Ўзбекистон истиқболини, унинг ривожланиш босқичларини белгилаш ҳамда янги юрт йўналишининг глобаллашув шароитидаги ўзига хослиги — ўзлиги, миллий менталитети андазаларини юксак миллий стратегик тараққиётга олиб чиқишдир.

Шу ўринда муаллиф Япония тарихида рўй берган Иккинчи жаҳон урушидан кейинги мураккаб вазиятни мисол келтиради. Японлар тараққиёт омилларини инсон руҳини озод қилишда, ўз ҳаётининг бунёдкорига, яратувчисига айлантиришда, деб билади. Бу йўл фақат адолатли сиёсат ва изчил ҳуқуқий тартиботлар тизими орқали таъминланиши мумкин эканлигига ишонишади.

Ўтган йиллар мобайнида Янги йил арафасида Давлат раҳбарининг Олий Мажлисга ва халқимизга Мурожаатнома билан чиқиши ажойиб аънамага айланди. Муаллифнинг таъкидлашича, Мурожаатномада кўпгина соҳаларда ечимини кутаётган масалалар мавжудлиги ва тўлиқ ишга солинмагани айтиб ўтилади. Айниқса, Президентимиз вакилик органлари фаолиятига холисона баҳо берар экан, ислохотлар самарасини юксалтиришда депутатлар ҳамда сенаторларнинг ўрни сезиларли даражада ошишига эътибор қаратди. Хусусан, депутатларнинг, нафақат назорат таҳлил, балки қонун ижодкорлиги фаолияти ҳам жойлардаги муаммоларни бартараф қилишга йўналтирилиши лозим. Шу мақсадда ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва таклифларни қўйишдан — фуқаролардан олиш мақсади мувофиқдир.

Биз қонунлар муҳокамашига кенг оммани жалб этишнинг замонавий усуллари жорий қилишимиз керак. Шу мақсадда интернет тармоғидаги “Менинг фикрим” деб номланган махсус веб-саҳифа орқали юртдошларимиз давлат ҳамда жамият ҳаётига дахлдор муҳим масалалар бўйича ўз фикрларини эркин билдириш имконига эга бўдилар. Шундай қилиб, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномалари янги Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорлик ва тараққиёт омилли сифатидаги ўрни ҳамда ролинини янада оширди. Ўзбекистондаги бундай ўзгаришлар жаҳондаги экспертлар томонидан юксак баҳоланди. Шу ўринда муаллиф турли экспертларнинг фикрларини келтириб ўтади.

2017 йил апрелда мамлакатга бир ойга келган Австралия, Австрия, Буюк Британия, Германия, Дания, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Корея Республикаси, Сингапур, Финляндия, Швейцария ва Япония фуқаролари учун виза тартиби бекор қилинди. 2019 йил февраль ойида бу рўйхатга яна 45 мамлакат қўшилди. Айни дамда 39 давлат фуқаролари учун сайёҳлик визаларини расмийлаштириш тартиби содда-лаштирилди. Шунингдек электрон визалар жорий этилди. Яқин-яқинларга амалда деярли чет элга қақланган Ўзбе-

кистон фуқаролари 2020 йилдан бошлаб дунёнинг 58 мамлакатига олдиндан расмийлаштирилмаган визасиз йўл олмақдалар.

“Буларнинг барчаси, деб — ёзади муаллиф, — минтақа давлатлари ўртасида дўстлик ва ишонччи мустаҳкамлашда ҳамкорликка янгича суръат бағишламоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббусга асосан мунтазам ўтказилаётган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари ижобий ютуқ бўлди. Бунинг исботи ўлароқ, охириги 4 йилда Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан ўзаро савдо ҳажми салкам беш баробар ўсди”.

Китобнинг II боби “Президент мўъжизасидан инновацион гоёлар сари — давр талаби”, деб аталади. Унда Ўзбекистон раҳбарининг сиёсий етакчилик имижига ва таълимот мавзуси очилади. Муаллиф дунёдаги лидерлик сиймолари ҳақида маълумот беради. Шунингдек, мазкур масала юзасидан оммавий ахборот воситаларида чоп этилган материаллар умумлаштирилади.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида узоқни кўзловчи оқилона сиёсат туфайли “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” гоёсини изчил рўёбга чиқариш асносида барча соҳа ва тармоқлар барқарор ривожланиб, тўсиқлар бартараф этиляпти. Одамларнинг фаровонлиги яхшиланяпти, уларнинг онги ва дунёқараши ўзгариб, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортыпти.

Навбатдаги мавзу Президентнинг Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ташаббусига бағишланган. Ўзбек халқининг тарихдаги навбатдаги юксалиш даврини барпо этишдек улуғ мақсад йўлида янги Хоразмийлар, Берунийлар, ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз зарурлиги таъкидланади.

Пандемия боис юзага келган муаммоларни самарали ҳал этиш учун рақобат кучаяётган бир шароитда ресурслар ва савдо бозорларига кириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Демак, Янги Ўзбекистоннинг метиндек мустаҳкамлиги ва салоҳияти ўз-ўзини яқкалаш орқали эмас, балки фаол халқаро ҳамкорлик ва ишончли шерикчилик орқали таъминланади.

Китобнинг III боби “БМТ: президент инновацион ташаббуслари ва миллий гоё — тараққиётнинг куч-қудрати”, деб аталади. Унда Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурган ва амалга ошган ташаббуслари таъкидланади. Айни пайтда дунёдаги кўзга кўринган экспертлар ва давлат арбобларининг ушбу ташаббусга муносабатлари кўрсатилган.

Президентнинг вилоятларга ташрифи чин маънода мактабдир. Китобда ана шу ташрифлар, унда иқтисодий-ижтимоий ислохотлар ижроси ҳақида ҳаётий фикрлар билдирилган. Шу маънода “Янги Ўзбекистон меъмори” китоби юртимиз тараққиётига лоқайд бўлмаган ҳар бир фуқаро учун эътиборга сазовордир.

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист



Қачон биз кучлимиз — билимли бўлсак, қачон билимли бўламиз — ўз устимизда ишласак. Шавкат МИРЗИЁЕВ

МАКТАБГА ҲАММА КИРАВЕРМАЙДИ

“Бундан кўра ўқитувчи бўлганим яхши эди”. Бу гап тез-тез ҳазил аралаш тилга олиб турилади. Ростдан, асаларичи бўлиш қийиндир, маккажўхори етиштириш ҳам осон эмас. Балки ўқитувчилик... Умуман, ҳар бир касбнинг ўз машаққати, заҳмати бор. Шу қаторда ўқитувчилик нечанчи ўринда туради, билмадик, аммо ҳар ким ҳам бу касбни шунчаки орзу қилавермайди. Аммо буюк жаҳонгир Наполеон орзу қилган экан. Тақдири эса уни бошқа ўзанга бошлаб кетади, тарихда унинг ўрни бўлак жойда бўлади. Ишлари пачава бўлганда эса армон билан: “Бундан кўра ўқитувчи бўлганим яхши эди” деган экан йиғлагудек бўлиб.

Тўғри, ўқитувчилик Наполеондек қобилиятли шахс учун сўнги нажот манзили туолиши (ёки чинакам ностальгия бўлиши) мумкин, аммо бу дегани ўқитувчиликда омади юришмаган ҳар қандай одам ундан паноҳ топиши, ойлик маош олиб, тирикчилик қилиши мумкин, дегани эмас.

Ўқитувчилик, умуман, устозлик касблар ичида сараси эканининг яна бир қирраси шундаки, бошқа соҳа одамлари ўз иш ўринларида ҳал қилувчи биринчи тарафдорлар. Масалан, дуррадорга ёғоч эътироз билдирилмайди ёки тоқарга у тайёрлаётган деталь ўз сифатидан норозилигини изҳор қила олмайди — булар оддий аксиома. Устоз эса ўз “дастгоҳ”и билан жонли мулоқот асосида фаолият олиб боради. Унинг меҳнати бир зумда самара беради — уни илми толиб ё қабул қилади, ё қабул қилмайди.

Жамиятда ҳам бу касб кишиларига алоҳида муносабат тарзи шаклланди. Одатда, уларнинг нуқсонлари тилга олинмайди (аслида, шунга лойиқ бўладилар), бизда чиройли мақол ҳам бор: “Ўқитувчининг айтганини қил, қилганини қилма!” Улар бор давраларда ҳамма эътибор шу томонга бўлади. Ҳатто ОАВда ҳам алоҳида муносабат шаклланди. Ўқитувчи ҳақида “қалбида бунёдкорлик ишқи жўш урган”, “жонини жабборга бериб” ёки “тонгда туриб қўшиқ айтиб ишга борарди” сингари куруқ пафос билан ёзиб бўлмайди. Шунингдек, уни жамоатчилик назарида танбеҳ бериш, танқид қилишнинг ҳам ўз мезонлари бор. Ўқитувчи ана шундай “олийдан олий” зот, мактаб шунақа мўътабар даргоҳ.

Узун даромаднинг буромади шуки, мактабларда маданий-ижодий ишлар ташкилотчиси лавозими жорий этилди ва республикада жами таълим масканларига маълум талаблар билан лойиқ кўрилган кишилар жалб этилди. Бу ҳол мамлакатимизда таълим-тарбия, умуман, ёшлар масаласига жиддий эътибор қаратилаётганининг амалий ифодасидир. Давлат раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг гоёлари асосида халқ таълими соҳасида йиллар давомида қатор ислохотлар амалга оширилди ва ниҳоят, шундай ечимга келинди. Эро, “...агар келажакни кўлдан чиқаришни истамасанг, мактабни кўлда мустаҳкам тутмоғинг лозим” — (Анри Барбюс, француз ёзувчиси) деган гап моҳиятни аниқ ифодалади.

Албатта, бирданига бундай катта қадам ташлашни анчагина ташкилий-маънавий юмушларни талаб қилардики, ҳар ҳолда, шундай катта режа амалга ошди, мактабларда тарғибот-



чилар фаолиятини бошлади. Дастлабки таассуротлар бундай фикрга келиниши узоқни кўзлаб қилинган донишмандона иш эканини тасдиқламоқда. Гарчи қисқа муддат — 2-3 ой давомида бўлса ҳам мактаблар ҳаётида янги эпкин эсди, фаолият таассуротларга бой бўлди, жуда кўплаб қарашлар, муносабатлар юзага келди. Энг асосийси — келажак сари катта ислохотларнинг марказига айланиб бораётган мактаб даргоҳига жамоатчиликнинг эътибори сезиларли кучайди. Табиий, ҳар бир янгилик назариядан амалиётга кўчиши жараёнида бўшлиқлар, “лоийқ келмаган” ўринлар бўлади. Мактабларга ижодкорларнинг жалб этилишида ҳам баъзилар ҳал қилинадиган баъзи ўринлар пайдо бўлди.

Амалий қадам қўйилган, илк муаммо республикадаги ўн мингдан зиёд мактабни тўла, талаб даражасидаги тарғиботчилар билан таъминлаш жўн вазифа эмаслиги масаласи юзага чиқди. Аввало, мактабларга четдан жалб қилинаётган ва иқтидорли болаларга устозлик қилиши, шу орқали билим даргоҳида ижодий муҳитни жонлантириш ёки пайдо қилиш (юзага чиқариш) вазифаси юкланаётган мутахассисларга қўйилаётган талаблар мавҳум бўлди: кимларга мактаб даргоҳи (бу жойни етарлича таърифладик чамаси)га кириши, болалар билан юзма-юз бўлиш ҳуқуқи берилади? Негаки, масаланинг ноҳақ томонлари кўп: олайлик, кучли ижодкор бўлиши мумкин, аммо у педагогика талабларини амалга оширишга қодирми (бунга болага кўриниш беришдан тортиб биринчи сўзни айтиш-у,

уни янги дунёга бошлаб кириш қобилиятигача киради), умуман, унинг янгилиги нимада? Кейин, йил бўйи бу йўналишдаги машғулотлар қай йўсинда олиб борилади: бевосита дарсларга боғлаб (яъни дарс жараёни билан боғлаб) ёки дарсдан кейинги тўғрақ тарзда ташкил қилинади? Дастурлар қай йўсинда тузилади? Ва ҳоказо кўплаб саволлар пайдо бўлди.

Хуллас, ўрмонга қадам қўйган овчи ҳеч нарсани ўйлаб ўтирмай, ўлжа илинжида ўзига йўл очиб, олға интилгани каби, тарғиботчилар ҳам илгариланма ҳаракатларини бошладилар. Бу ҳол гўёки бир бадиҳа (экспроммент) эди ва бадиий ижодда бўлганидек, ҳамма гўзал асардан умид қиларди. Ҳаракатлар бошланди ва шу йўналишдаги юмушларни мувофиқлаштириб туриш учун ташкил қилинган сайт бирданига хабарлардан, суратлардан, видеолардан ёрилан кетай деди. Ҳатто “Фалон мактабда буюк нотиклар тайёрлайдиган курс иш бошлади. Ўринлар чегараланган, шошилинг” ёки “Шоир бўлмоқчимисиз? Нақ Навоийнинг қаторига қўйиб қўямиз. Фақат бизга келинг” қабилидаги эълонлар ҳам пайдо бўлиб қолди (кўнгли эканда). Сайтга мутасадди бўлган ходим хайронлигини яшира олмай, “Вой, тарғиботчилар-эй! Сув ичишга кираётганини бир хабар қилиб, қанча сув ичганини яна бир хабар қилиб жўнати-я” — деб дилафкор бўларди (бу воқеалар Тошкент шаҳрида рўй берапти).

Бундай ёндашув ва саъй-ҳаракатлар кўрсатдики, ҳар қандай эзгу мақсаднинг ижроси намунали ташкил қилинмаса, у сатирик карикатура ҳолига тушиб қоларкан. Мактабларнинг жамоаси, албатта, синчковлик билан кузатиб туриши ва унинг ниҳоясини безовталиқ билан кутиши. Умуман, ҳар қандай кампаниячилик тез пишиб, тез тушади, ҳолбуки, таълим-тарбия жараёнларига ижобий аралашиб, иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантиришга қаратилган тадбир узоққа мўлжалланган, балки педагогика тизимидан мустаҳкам жой оладиган маърифат усули бўлиши мўлжалланаяпти. Мактабда болага энг муносиб тарбиячи боланинг тенгдоши — бу қоида аллақачон ишотланган. Синфдаги битта ижодкор ўқувчи, унга муносабат, кўлаб-қувватланиши ўн нафар тенгдошига туртки бўлиши мумкин. Бир ўқувчининг шеъри сурати билан газетага чиқса ёки чизган сурати конкурсда ютиб

чиқса, ўнлаб, ҳатто юзлаб болалар ундан ўрناق олади. Тарғиботчилар гуруҳини ташкил қилишдан асосий мақсадлардан бирининг моҳияти шу.

Иккинчиси эса маърифатнинг боши — китобхонлик экан, уни кенг тарғиб қилиш, шу орқали ҳозирги технология манияси кучайган паллада мутолаанинг афзаллигини таъкидлаш эди. Шунингдек, тарғиботчининг мактаб ҳаётида фаол иштирок этиши, мактабдаги тадбирларни ташкил этиш савиясини кўтаришда ёрдамлашиши, адабиёт-санъат оламидаги янгиликларни тарғиб қилиши ва бошқа кўплаб эзгу мақсадлар кўзда тутилган. Бир сўз билан айтганда, илм ўчоғига янги (“тоза”) деса, устозлар хафа бўлиши мумкин) ҳаво олиб кириш мақсади эди.

Дастлабки ижобий натижалар мақсад тўғри қўйилганини тасдиқлади. Агар кейинги саъй-ҳаракатлар самараси юқори бўлиши исталса, юзага чиққан баъзи англашилмовчиликларга аниқлик киритилмоғи зарур. Бу ҳол, аввало, тарғиботчилар билан боғлиқ. Кимлар жалб этилмади: журналист дипломини бир кун ҳам ишлатмай, бизорда бўғирсоқ сотиб юрганлар, тўйларга “раис”лик қилаётганлар, нафақада қийналиб қолган “шоир”лар, хуллас, маош тўла-нишини эшитгач, кўплар ғимирлаб қолди (ҳолбуки, “Қасобга қон қайғуси, эчкига жон қайғуси” дейдилар). Тарғиботчиларга эса фидойи кишилар танлаб олиниши шарт бўлди. Ҳатто сайтда маош талашиб, шовқин солишганда, “Уялинглар, сизлар қорин очлигидан келдингларми?” деган эслатиш ҳам бўлди. Нима дейсиз, халқ... Демак, энди энг асосий муаммо — ким тарғиботчи бўла олади, деган саволга жавоб топиш бўлади.

Шу ўринда бир мулоҳаза: тарғиботчиларни тоифаларга бўлишга тўғри келади чамаси. Масалан, 1-тоифа — қатор китоблари нашр этилган, таниқли ижодкор. Улар бир мактабга эмас, балки ҳар ҳафтада бир мактабда (бир ойда 5 мактабда) бўлиб, мастер-класс ўтадилар. 2-тоифа — ижодкор, эътироф этилган. Бир мактабда доимий шуғулланади. 3-тоифа — қобилияти бор бошловчи ёки дипломли мутахассис. У ҳам бир мактабда банд бўлади. Албатта, бу масалада ўқув режаси, мактабларнинг ҳолати ва бошқа кўплаб омиллар ҳам ҳисобга олинмадики, тош босадиган тақлифлар педагоглардан чиқиши шубҳасиз.



Бўлса
танбаллик
пешаси,
Теккай оёғина
хорлик тешаси!
Фаридиддин
АТТОР



Яхши
одамлар
ишидан
ибрат ол,
Ибратомуз
хизмат айлаб,
иззат ол.
Анбар
ОТИН

▼ Хиёбон

“АЧЧИҚ ЧИРҚИЛЛАЙДИ НОМАЪЛУМ БИР ҚУШ”



Миллий адабиётимизда ноёб истеъдоди билан қалбларни забт этган оташнафас ижодкорларимиз истаганча топилади. Улардан бири, ишонч билан айтиш мумкин, лирик қахрамон руҳий оламининг нозик эврилишларини маҳорат билан кўнгилга сингдира олган, сўзнинг ранг ва оҳанглиридан, тасвир воситаларидан ўзига хос услубда, усталик билан фойдалана олган, ўз даврининг бошқа ижодкорларидан тубдан ажралиб турувчи, ўзбекнинг атоқли шоирларидан бири Рауф Парфи эди.

Тириклигидаёқ афсонага айланган шоир қайғу ва севинчини ичига яшириб яшаган, умрининг кўп қисмини бошпанасиз ўтказган бўлса-да, шогирдлари ижодига ўз шеърияти билан бошпана бўлган шоир моддий томондан анчагина юпун яшаган бўлса-да, маънан жуда юксакда эди.

Тўғри, унда эгалик

қилинадиган ҳеч қандай мулк, жавобгарлик талаб этиладиган бирор лавозим бўлмаганди. Шу сабаб, у ҳеч қандай мажбуриятни бўйнига олмай, масъулият ва чекловлар билан ҳисоблашмай, кўнгли истаганидай яшашнинг улдасидан чиқа олди. Аммо унинг ёзмишларида эркинликка ташналик, адолатсизликка мурасасизлик

кайфияти яққол кўзга ташланиб туради.

Собиқ иттифоқ силсиласидан келиб чиқиб, Рауф Парфи шеъриятининг асосий мавзулари — бу шахс эрки, Ватан мустақиллиги ва Туркистон, Турк дунёсининг бирлиги бўлди. Коммунистлар сиёсатининг бош омили — илмий атеизм (атеизм — Худони рад этиш) гоёси эди. Атоқли шоир бу гоёга қўшила олмади. Унда советлар жамиятига нисба-

Рауф Парфининг “Ватан ҳақида Бернд Иетшга мактубим”, “Тангри соғинчи”, “Сунбула”, “Қора девор”, “Абдурауф Фитрат” (1995) асарларини оласизми, Вьетнам уруши ҳақидаги шеърлариними, танка, хокку учликлари, уларнинг барчасида тўғри йўлдан адашишга, ҳақсизликка нисбатан нафрат, ғазаб туйғулари акс этиб туради.

Айни пайтда, унинг шеърлари, китоблари тур-



кўриб жуда-жуда гурурланганман.

Рауф Парфи шеъриятида туркийлар адабиётининг руҳи бор. Уларни ўқир экансиз ўзлгимизга хос турк мифологиясининг яққол тасвирини топасиз. Бу муҳлисда муҳташам бир ҳисни, туйғуни кўзгайд.

Шахсан мен Рауф Пар-

Унинг шеърларини кенг тарғиб қилиш, адабиётга ихлосини, бутун борлигини бахшида этганини, адабиёт лаганбардорлик, маддоҳлик манзили эмас, балки ҳақлик йўли эканини ёш ижодкорларга ибрат сифатида тарғиб қилинса, ўйлайманки, ёзган тўрт мисра шеъри билан ўзидан шоиру-шоирларни ясаб оладиган, маддоҳликни эса меъеридан ҳам ўтказиб уддалайдиган “ижодкор”ларимиз камтарлик ва андиша билан тарбия топарди. Моддий дунёдан маънавий оламнинг устунлигини англаб етарди.

Ҳаммамизга аён, бугунги кунда дарахтни бир тепсанг “шоир” ёғилдиган даврда яшаймиз. Мукофот илинжида кун ўтказётган, ижод қилаётганлар сафи кенгайиб бораёпти. Ҳақиқий асл адабиёт эса адабиётшуносини йўқотиб қўйди. Тахлилини, тақризини йўқотиб қўйди. Бир пиёла чай устида адабиётни ўрганувчилар кўпайди.

Эҳтимол шунинг учун ҳам, яна бир дона бўлса-да, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи хулқ-атворидаги хислатларини, бориники, ярмини бўлса-да, ўзига намойиш эта оладиган ёш авлод вакили чиқмаяпти. Чикса оламшумул янгилик бўлар эди...

**Камолитдин РЎЗИМАТОВ,
ЎзЖОКУ талабаси**

Ўзбекистонда 20 та турли вазирлик ва идораларга қарашли 12 мингдан зиёд кутубхона мавжуд. Уларда жами 23 миллиондан ортиқ китоб сақланади. Истаган одам ёши, қизиқишларидан келиб чиқиб, китоб мутолаа қилиши мумкин. Шунингдек, аҳолининг энг ёш қатлами учун хизмат қиладиган республика болалар кутубхонаси ҳам бор.

Баркамол авлод тарбиячиси

Шу кунларда ZOOM дастури орқали ижодкорлар билан он-лайн ижодий учрашувлар ташкил қилиниб, китоб муаллифларининг асарлари аудио шаклда ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

Бундан ташқари, таълим самарадорлигини янада ошириш, ўқувчи ёшларда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, касб-хунарга йўналтириш орқали мустақил ҳаётга тайёрлаш, интеллектуал баркамол авлод-

ни тарбиялаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан электрон кутубхона ташкил этилмоқда.

Ёш авлодда мамлакатимизда нашр этилган болалар адабиётининг дурдона асарларига қизиқиш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш мақсадида “Ёш китобхон”, “Китобхон мактаб”, “Энг яхши кутубхоначи” танловлари ўтказиб келинмоқда.

Республика болалар кутубхо-

наси 220 мингдан ортиқ китоб захирасига эга, богча ёшидаги болалардан тортиб умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари учун фаолият кўрсатади. Болалар билан бирга келган ота-оналарнинг бўш вақтларидан мутолаа қилишлари учун ҳам китоблар мавжуд. Шуниси қувонарлики, бугун яқин атроф-ташвиқот ишларини нуруний отахонлар-онахонлар ҳам кутубхонанинг фаол фойдаланувчиларига айланишди.

Болалар кутубхонасини ривожлантириш, вилоятлардаги

кутубхона филиалларининг китоб жавонини тўлдириб, ёшларнинг кенг фойдаланишлари учун шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу муносабат билан энг сара асарларни танлаш, ёш ўқувчиларга etkaziш, кутубхонадаги мутолаа хоналарини керакли ускуналар билан жиҳозлаш кун тартибиде турибди.

**Хуршида ҲАСАНОВА,
Республика болалар кутубхонаси матбуот котиби**





МУҲАММАД РАҲМОН ВЕБСАЙТ & Муҳаммад Раҳмон. "Абадий садо"



Муҳаммад РАҲМОН — (1949-2010) 1949 йил Қашқадарё вилояти, Китоб туманидаги Паландара қишлоғида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (2003). ЎзМУ (ТошДУ)нинг журналистика факультетида тахсил олган (1967-72). "Мувозанат" (1976), "Яшил дарё" (1979), "Юрагимнинг дастхати" (1986), "Ижобат" (1984), "Асраганим, авайлаганим" (1987) каби шеърӣ тўпламлари нашр этилган. Болалар учун "Момоқаймоқ" (1978), "Ерга тушган камалак" (1981), "Қанотли тушлар" (1989) сингари назмий асарлар ёзган. Жаҳон шеърӣятидан ҳамда Лизолетта Вельскоф-Генрихнинг "Токей Ито" романини ўзбек тилига таржима қилган.

КЎҲИ ПАДАРКУШ

Тутаб ётар кўҳи Падаркуш*,
Шамол увлар мағорлариди.
Кўрган каби хатарли бир туш
Жилгалар тўлганар жсарларда.
Чўзилган ҳу, уфққа қадар
Қизгалдоқлар — узун қони из.
Бунда мунгли қиссалар айтар
Ҳар бир сўқмоқ, ҳар майса, ялиз.
Кўринмади юлдуз-да, ой-да,
Таҳликали кишнаган отлар...
Улугбекни худди шу жойда
Кўшиб етган эмиш жаллодлар!
Уғил — нонкўр, қисмат — беомон,
Ёзиқда ёзгани ўқилган:
Бу жойларда бир вақт, бир замон
Улугбекнинг қони тўқилган!
...Тикилман зирваларга жим,
Юрак-бағрим гуссаларга гарк...
Шарқ, ростдан ҳам нозиксан, тилсим,
Билиб бўлмас сени бирдан, Шарқ!
Ҳиммат деган бўлар-да шунча,
Неклик борми бундан ҳам ортиқ —
Зеру забар подшоҳларингга
Ҳаж сафарин айлабсан тортиқ!
Ишгаб-сиқтаб ком, анжом билан
Олис йўлга кузатганинг дам, —
Унутмабсан улар ортидан
Хатто... қотил жунатини ҳам!..

*Ҳисор тизмаларидан бирининг номи, Ургулт ва Китоб туманлари чегарасида.

Сен ҳам эслайсаним гоҳ қолиб ҳоли,
Кўмсайсанми кўнгли кўчаларини?..
Мунавар айлади ойдин хаёлинг
Савдоли бу умрим кечаларини!
Сен ҳам эслайсаним ёшлигини — шағн,
Ранги, ифорини — нечук эди ул?
Мени маст қилади қирқ йил наридан
Китобинг қатига қистирилган гул...
Обу оташидан дунёни ўтдинг,
Бекарим, бир кам деб қарғарсан ёмон...
Севги-чи, илк севаги... нахот, унутдинг,
Мен эса соғиниб яшайман ҳамон.
Номалар битардим сенга бир талай,
Қоғозга ишониб сирларнинг сирин.
Хатжшлди ёпардим ширачин ялаб —
Хатжшлдилар ўзингдек, сўзингдек ширин!
Тонмайман бўғзимга ботса ҳам тиши,
Эслаб хўрсингулик ёзим, қишим бор.
Йўқдир дунёсининг мен билан иши,
Менинг бу дунёда йўқлар кишим бор!
Сен ҳам эслайсаним...

ПАНТОМИМА УЧУН СЮЖЕТ

Ишонмассан бу гапга, дўстим,
Гунларда ҳам забон бўлади.
Тилим менинг — шу икки қўлим,
Улар ишлар, улар кулади.
Ухшамайсан ёмон одамга,
Яқинроқ кел, тишлаб олмайман.
Сизмаямман бугун оламга,
Биласаним, севиб қолганман!
Мана, бундай унинг юзлари...
Мана, бундай унинг кўзлари...
Мана, бундай унинг лаблари...
Эргашаман сояси бўлиб,
Афсус, менга қиз қиё боқмас.
Жеркир, кетар устимдан кулиб,
Балки унга гўнелигим ёқмас.
Даврасига олгани замон
Маҳжиялар ўқиб хушторлар

Бармоқларим додлайди:
— Елгон!
Алдар сени шакарғуфторлар.
Бор оламда шундай бир туйғу,
Тил билан ҳам бўлмайди айтиб.
Қошки шуни тушунсайди у,
Ёнгинамга келсайди қайтиб.
Қалбим билан аллалар эдим,
Эркаларди кўзларим секин.
Не ҳам дердим, нима ҳам дердим,
Зорим бору зўрим йўқ лексин.
Юраверсин у майли, мағрур,
Мен томонга тушмай йўллари.
Балки энди васфин бир умр
Куйлаб ўтар шўрлик қўлларим.
Балки сийлар мени ҳам тақдир,
Бир кун номин айтарман дадил.
Жон чиқарда қайтармиш, ахир,
Сўқирга кўз, соқовларга тил!
Шу тасодиф бўлмаса у кун
Ўз "тишим"дан қилмасин жудо —
Сўнги имо-шора учун
Қўлларимга куч берсин худо:
Мана, бундай унинг юзлари,
Мана, бундай унинг кўзлари,
Мана, бундай унинг лаблари...

Эгасиз уй зерикар таңро,
Файз ариган ёз, қишларидан.
Мўралайди кўчага гоҳо
Зангалаган кулф тириқиларидан.
Минг уринсин ўтолмас сакраб,
Мунғаяди девор тағида.
Хайл сураб ўз-ўзин алдаб,
Болаларнинг ҳалинчағида.
Эслаганда қақшайди зор-зор:
Дилкаш назму наволар қани?
Варанглатиб чалворғиси бор
Чўян гармон — батарежни!
Остонага, тўрт бўлиб кўзи,
Вафодор ит каби чўзилар.
Осиб кўяр ишқомга ўзин,
Олма бўлиб ишқдан узилар.
Кўнгироқ у, жавобсиз қолган
Гўн телефон гўшақлариди.
Сўнги сабр томчиси томган
Эски кўвур жўрақларидан.
Ёлғизликнинг ёзиғи эзар,
Эҳ, соҳиби шуни билсайди...
Ёлғиз уйда шаккок уй кезар:
— Ҳеч бўлмаса ўғри келсайди!..

МАШРАБ

Номозимни, калимамни ҳам,
Ўқиб бўлдим, қақради лабим...
Рози бўлинг, расули акрам,
Ўзинг кечир, банданени, роббим!
Яна нима!? Ҳа, сўнги нафас...
Сиртмоқдаги энг сўнги имкон.
Дор унчалик кўрқинчли эмас,
Саломатдир магарким иймон.
Қошки сизни ололсам кўчиб,
Қарз қолмасин "аляидо", "салом".
Улгуради бўғзимдан учиб,
Инишоолоҳ, уч-тўртта калом.
Кўринмади, бўйладим шунча,
Рози эдим бир кўриб ўлсам.
Балх, дорларинг наст экан мунча:
... Номонгондан
... Кетар
... Бўлсам...

Ҳайратимнинг тили бўлсайди агар
Бўғзимга тиқилган ҳаяжонимни
Қутлардим айтиб бир йўла,
Қийнамасдим бунча жонимни.
Ҳайратимнинг тили бўлсайди агар

Турналар ўтганда бошимдан сузиб
Юғурмасдим, йўқ, телба-девона —
Мен улар ортидан қўлимни чўзиб.
Ҳайратимнинг тили бўлсайди агар
Кўзимни узолмай дол қолган чоғлар
Титратмасди кўксимни ҳайқирӣқ бўлиб
Шу нуриқор тоғлар, шу баланд тоғлар.
Армондай ич-ичдан келар хўрсиниқ:
Бунчалар юксаксиз, бунча мунавар.
Юлдузлар, мен сизга бир сўз айтардим
Ҳайратимнинг тили бўлсайди агар.
Тўлганар ўзанда жоду бир оҳанг,
Оҳар мангуликдай, бўлмас ҳеч тамом.
Ҳофиз дарёларим, мени қийнаманг,
Кезмай соҳилларда бесўз, бекалом,
Оймисан, тун аро боқира, латиф,
Кунмисан, қаролмай қамашар кўзим.
Гулим, на тараф бор сенга, на таъриф,
Топиб айтар эдим унга мен ўзим
Ҳайратимнинг тили бўлсайди агар.
Мадулман, борурман сизгиниб такрор,
Билмас бу гўзаллик ҳеч интиҳони
Ва мен бахтиёрман: ҳар кунимда бор
Ўртаниш, завқланиш, севиш имкони!

Юлдузлар оқиб келяпти,
Ой оқиб келяпти қалқиб-қалқиб,
Салқин-салқин боғлар нафаси,
Даралардан учган гулдурас
Оқиб келяпти...
Сўв тилига кўчган тош кўшиқлари,
Исмсиз ўтларнинг бўйлари
Оқиб келяпти.
Қаердадир қиз турар
Соҳилдаги дарахтга суяниб,
Паришон ўй-хаёллар
Оқиб келяпти.
Мен шуларнинг ҳаммасини ситқормоқчиман,
Тумшугидан отимнинг томчилайди сув,
Отим бўлса пишқираб бетоқат:
— Тўймадингми ҳали ҳам, кеч бўлди...

Мен энди сезяпман,
Тасодиф эмас
Қўл-оёқсиз, ўжар чўққигир —
Чирмовуқулларнинг туллар арқондан
Юқорига ўрмалагани.
Забт этиб уйлари қаватма-қават
Балконлардан ичкарига мўралагани...
Мен энди сезяпман,
Тасодиф эмас
Идорада гулибеорнинг
Девордаги тувакдан ўзини ташлаб
Елкам узра боққани қоғозларимга...
Мен энди сезяпман,
Йўқ, улар шунчаки гул эмас.
Қуш эмас,
Уйимизга, ўйларимизга
Билдирмай, сездирмай сўқилиб кирган
Табиатнинг уста "айғоқчилари".
Интиқом яқин!
Қайлардадир тоғлар ортида
Асабий чайқалмоқда адл-адл дарахтлар,
Зангори қўшин.
Улар фармон кутмоқда!
Бошла!
Бошла юришингни ТАБИАТ!

ҲАЗРАТИ БИШИР ҲИКМАТЛАРИ

Кўп кўрганман жазаванени, шовушингни,
Кўтармасанг бўлармиди товушингни.
Насиҳатинг учун қуллуқ...
Унгу терсидр,
Тўфи кийиб олгин, болам, ковушингни.

Кўклам — кечалари ёп-ёруғ тушидир,
Кундузи рўҳимда сайраган қушидир.
Елда чайқаламан қизгалдоқ каби,
Ёраб, нафасларинг бунчалар хушидир!

Аё замон, сенми бу нав тарз берган,
Ажиб бир ҳол мантигини йўқлайди:
Шифтга қараб уф тортади қарз берган,
Қарз кўтарган хуррак отиб ухлайди!



Муҳаммад
Раҳмон шахс
сифатида
камтарин,
хокисор, лекин
шоир сифатида
адабиётда ўз
муносиб ўрни, ўз
сози, ўз овозига
эга бўлган
забардаст шоир
эди. Унинг ҳар
бир шеърдан
тафаккур
шуълаларидан
бир намуна
топиш мумкин.
Болалар учун
ёзган шеър ва
достонларида
ҳам
катталарнинг
ақл виждонига
хитоб қиладиган
ишоралар бор.
Мирзо
КЕНЖАБЕК



Ёшлар от спортига қизиқмоқда

Президентимизнинг "Йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш ҳамда замонавий бешкураш ва поло спорт турини оммалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилояти Миллий гвардия Қўриқлаш бўлини амалий ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, вилоятнинг Олтинсой туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қошида от спорт секцияси ташкил этилди. Тажрибали, номдор човандозлар мураббийлик қилмоқда. Мазкур секцияга қизиқувчан ёшлар жалб этилиб, уларнинг рўйхати шакллантирилиб, ҳафта-нинг белгиланган вақтларда режа асосида машгулотлар ўтказилмоқда.

Ҳозирда, ўғил-қизларга "Қорабайир" зотли отнинг хусусиятлари, от миниш, эгарлаш, живовлаш, парвартиш қилиш сир-асорлари ўргатилмоқда.

Сухроб ХҲЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Сурхондарё вилояти қўриқлаш бошқармаси
Олтинсой тумани қўриқлаш бўлими гуруҳ
командири, лейтенант

Спорт

СОВРИНДОРЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

Янги Ўзбекистонда аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча имкониятлар яратилган. Спорт орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва галабага ишончини мустаҳкамлаш, мардлик, Ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш юзасидан амалий ишлар тизимли ташкил этилган.

Жорий йилнинг 17-25 август кунлари Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида армрестлинг бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

Мазкур мусобақада 12 та Осиё давлатларидан 500 нафардан ортиқ спортчилар иштирок этди. Ушбу беллашувда Ўзбекистон Миллий терма жамоаси аъзоси, Ўзбекистон спорт устаси, Республика чемпиони, Фавкулдда вазиятлар вазиралиги "Қамчиқ" махсус қидирув ёнгин-қутқарув бошқармасининг йуриқчи-қутқарувчиси, кичик сержант Мирабдулла Миркомиллов, Фавкулдда вазиятлар вазиралиги Академияси 5-босқич курсанти, Ўзбекистон кубоги голиби Хурматилло Мадазимов ҳамда Академиянинг Ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик кафедраси ўқитувчиси, Ўзбекистон спорт

устаси Рустам Чориевлар иштирок этдилар.

Қизгин ва мурасиз кечган мусобақада мамлакатимиз Миллий терма жамоасидан турли вазн тоифасида 60 нафар спортчи қатнашиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгалладилар. Айтиш мумкин, кичик сержант Мирабдулла Миркомиллов 90 кг. вазн тоифасида ўнг қўл билан иккинчи, чап қўл билан эса учинчи ўринни, 75 кг. вазн тоифасида иштирок этган Хурматилло Мадазимов ўнг қўлда иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, 65 кг. вазн тоифасида катта лейтенант Рустам Чориев чап қўлда учинчи ўринни эгаллаб, умумжамоа галабасига муносиб ҳисса қўшишди.

Фарҳоджон ХОЖАЕВ,
ФВВ Академияси катта ўқитувчиси

Психолог-врач Дилором Сагдуллаева билан соҳага оид материаллар тайёрлаш жараёнида танишганман. Кейинроқ билсам психолог сифатида телевидениеларда кўплаб тавсиялари ва чиқишлари билан халқимизга анчайин танилиб улгурган экан. Қайта-қайта мурожаатларим сабаб Дилором опадаги самимият ва дилгирлигини ҳам англаб етгандек бўлдим.

Савобталаб одамлар

БИР ҲИММАТ ҲИКМАТИДА

Опанинг телеграм саҳифаларида "Ўзбекистон-24" канали бошловчиси Дилдора Сагдуллаеванинг суратларини кўриб яна бир иқтидор эгаси шу оилада туғилиб вояга етгани ва бошловчи сифатида халқимиз меҳрини қозонганини англадим. Шунинг учун бўлса керак, Дилором опа билан гаплашганимда кўнглимда худди ижод киши билан гаплашаётгандек ҳиссиётлар кечади.

Қолаверса, ҳиссиётлар бошда психолог билан баҳслашиб бўларканми? Коронавирусдан кейинги асоратларни енгишда ҳам у кишидан кўплаб тавсиялар олганман. Шу-шу адашим билан кадрдон бўлиб кетдик. Бир-биримизга хорижий адабиётлардан янги таржима асарлар борми, устоз адабларнинг китоблари борми, ўқиш учун тавсиялар ҳам бераддик. Опа менга кўпроқ психолог сифатида ёндашсалар, мен худди кўзгуда ўзини англашни хошлаётган аёлдек опадан ҳаётини сабоқлар олишга ҳам ҳаракат қилардим. "Шоу бизнес" вакиллари билан суҳбатларим жараёнида ҳам опа билан бирга саволлар тузардик. Сабаби кўпчилик таниқли суҳандонлар, санъат вакиллари билан ҳам кадрдон бўлиб кетган Дилором опа савол-жавобда ҳам, ҳозиржавобликда ҳам анчайин чапдаст эдилар.

Табиики, ўзбекчиликда аввал бериладиган савол "неча болангиз бор?" бўлса, иккинчи бериладиган савол, "қаерда туғилгансиз, қаерликсиз?" саволидир. Икки қиз, икки ўғилни муносиб тарбиялаб вояга етказган Дилором опа Қибрай-



нинг тоза ҳавоси эсан "Кўприк боши" маҳалласида туғилган экан. Қаранг-ки, ҳар бир инсоннинг табиати ҳам туғилиб ўсган жойидан андаза олгандек мос ва хос бўлади, дейишганларича бор экан. Халқимиз беқорга тоғликларни тоғларга, дарёга яқин жойда яшайдиганларни дарёдилликка менгзашмайди.

"Ўзим туғилиб ўсган Қибрай туманидаги "Кўприк боши" маҳалла фуқаролар йиғинига ўз шахсий кутубхонамиздан китоблар тақдим этдим", дедилар опа. "Зўр-ку! Фарзандларингиз ҳам бу китобларни ўқиганми?" дедим хайратимни яширмай. "Биласизми, аслида фарзандларим мутолаа сабаб ўз йўлларини топиб кетишди, мана ҳозир ҳам тиним билмай китоб ўқишади.

Президентимиз ташаббуси билан республика миқёсида ўтказилаётган китобхонлик танловларининг асл мақсади ҳам шу. Айниқса, яқинда ўтказилган "Ёш китобхон оила" танловида ёш китобхон жуфтликларни кўриб роса кўнглим кўтарилди. Боиси улар келажакда, ўз оилавий муҳитларида фарзандларини тарбиялашади. Ривожланган ахборот асри сабоқларини ҳадеб танқид қилавериш ҳам тўғри эмас, менимча. Ўқийдиган одам қўлида телефон тутса ҳам барибир ўқиркан. Муҳими қизиқиш уйғота олиш. Мутолаа шундай сеҳрли оламки, унда инсон нафақат ўзини, балки ўзлигини англайди. Ўзлигини англаб етган инсон эса ҳеч қачон ўзининг қимматли вақтини ҳуда-беҳуда ишларга сарфламайди.

Маҳаллага бир дунё китоб билан кириб борганимда маҳалла оқсоқоли Эргаш Ризаев ҳам "Бу китобларни ўқиган одам кам бўлмайди, фарзандларингиз ҳам ўқишга улгуришганми?" — деб сўраб қолдилар. Раис ўринбосари Мукаррам Усмонова эса "ўзингизда қолаверса ҳам бўлармиди, ўқилган китоб ҳам кадрдон кишингдай бўлиб қолади", дедилар.

Рости бу китобларни биз оилавий ўқиб чиққанми, деса ҳам бўлади. Ўша ўқиш ва укув сабаб қизим Дилдора Сагдуллаева ҳозирги кунда Президент академиясида докторлик ишини ёқлапти. Ўғлим Зиёдулла Сагдуллаев "Ёшлар" радиосида бошловчи. Учинчи фарзандим Лола Сагдуллаева Журналистика университетининг 3-босқич талабаси "Май-фай" каналида муҳбир бўлиб ишлайди.

Кенжа фарзандим, ўғлим Мирзо Улугбек туманидаги 20-сонли мусиқа мактабини битириб, мақом кўшиқчилиги йўналишида тахсилни давом эттирмоқда. Айни пайтда 248-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

Мен фарзандларим ўқиган бу китобларни бошқалар ҳам ўқишини истаб китобларни топширган бўлсам, маҳалладаги психолог маслаҳатига муҳтож муаммоли оилалар ва ёшларга бепул кўмак бериш ниятим борлигини айтганимда улар ҳам хурсанд бўлишди".

Бу ҳам бир эзгу амал. Яратганга шукрки, кейинги пайтларда хайрли эҳсонларни амалга оширадиган инсонлар ораминда кўпайди. Кўпчилик китоб харид қилиб ўз уйларида ҳашамат учун ҳам кутубхона ташкил қилишга қизиқишади-ю, орадан вақт ўтиб чанг босган бу китобларни бировларга беришга, улашишга ошиқшмайди. Мен Дилором опанинг бу ҳимматларида ҳам бир ҳикमत кўрдим. Ахир бу дунёдан йиққан-терганимизни ўзимиз билан олиб кетолмас эканмиз, улугликка элтувчи, комилликка етакловчи илмимиз — китобларни бошқаларга улашишдан ҳам ибрат олайлик.

Дилором ДИЛХОХ

Тарих ва бугун



Бухоро шаҳри, Бухоро амирлиги, 1905 йил.



Бухоро шаҳри, Лаби Ҳавуз мажмуаси, 2021 йил.

Ma'rifat va ta'lim

ijtimoiy, madaniy-ma'rifiy,
ta'limga ixtisoslashgan
gazeta

МУАССИС:
"MA'RIFAT OLAMI"
МЧЖ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Усмон АЗИМ
(тахрир ҳайъати раиси),
Абдуқодир ТОШҚУЛОВ,
Минҳожиддин МИРЗО,
Эркинжон ТУРДИМОВ,
Тура БОБОЛОВ,
Илхом САПАРОВ,
Алишер ДЖУМАЕВ,
Тоштемир ТУРДИЕВ,
Гуландом ТОҒАЕВА,
Равшан НАМАЗОВ,
Мавлуда ҚОБИЛОВА,
Ҳикматуллох КОДИРОВ

Бош муҳаррир Соатмўмин ЖУМАЕВ

Газета Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан 2021 йил 7 апрелда
№1171 рақами билан рўйхатга олинган.

E-mail: marifatvatalim.gazetasi@bk.ru

НАШР ИНДЕКСИ — 427

Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Газетадан кўчириб босилганда
"Ma'rifat va ta'lim"дан олингани
кўрсатилиши шарт.

Газетада зълон
қилинган материаллардаги
фактлар учун муаллиф жавоб
беради.

Қоғоз бичими А-2,
Ҳажми 4 босма табоқ,
Баҳоиси келишилган нархда.

Нашр учун масъул:
Юсуф ЖҲРАЕВ

Саҳифаловчи:
Қайсар РАҲМАНОВ

Таҳририят манзили: 100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй,

Телефонлар:



0 (371)-244-33-82,
+99893-508-55-57,
+99890-327-88-27

Газета "ШАРҚ" НМАК
босмаҳонасида чоп
этилди.
Босмаҳона манзили:
Тошкент шаҳри, Буюқ
Турон кўчаси, 41.

Босмаҳонага топшириш
вақти — 20.00

Топширилди — 22.20.

Адади — 5500.

Буюртма Г - 945